

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ  
АКАДЕМИЯСИ  
ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИНИНГ  
МАСОФАВИЙ ЎҚУВ,  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ, ИЛМИЙ  
ВА МАЪНАВИЙ-  
МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИ  
БЎЙИЧА ХИСОБОТИ**

**Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида ҳозирги кунда даволаш факультети (даволаш иши ва педиатрия иши йўналишлари) мавжуд.**

- **Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси**
- **1-тиббий-биологик фанлар кафедраси**
- **2-тиббий-биологик фанлар кафедраси**
- **Тиббиёт касбига кириш ва пропедевтикаси кафедралари мавжуд.**

#### **Асосий штатдаги профессор-ўқитувчиларининг таркиби**

Бугунги кунда Филиалда асосий штатда 91 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Шулардан, 1 нафар фан доктори ва 13 нафар фан номзоди. Илмий салоҳият – 15,4 %.

#### **ТАЛАБАЛАР КОНТИНГЕНТИ**

<b>Курслар</b>	<b>Грант</b>	<b>Контракт</b>	<b>Умумий</b>
<b>Даволаш иши</b>			
<b>1 курс</b>	<b>110</b>	<b>534</b>	<b>644</b>
<b>2 курс</b>	<b>102</b>	<b>340</b>	<b>442</b>
<b>3 курс</b>	<b>-</b>	<b>320</b>	<b>320</b>
<b>Педиатрия иши</b>			
<b>1 курс</b>	<b>11</b>	<b>75</b>	<b>86</b>
<b>2 курс</b>	<b>11</b>	<b>47</b>	<b>58</b>
<b>Факультет бўйича</b>	<b>234</b>	<b>1516</b>	<b>1550</b>

#### **КЛИНИК БАЗАЛАР**

- **Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали**
- **Сурхондарё вилояти қон қуйиш маркази**
- **Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар кўп тармоқли тиббиёт маркази**
- **Сурхондарё вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази**
- **Сурхондарё вилояти Онкология диспансери**
- **Сурхондарё вилояти Кўп тармоқли тиббий маркази**

**МАЛАКА ОШИРИШ.** 2019-2020 ўқув йилида хорижий ОТМларда – 8 нафар профессор-ўқитувчи малака оширган, шундан 6 нафари хамкорлик

дастурлари доирасида малака оширган. БИММ да 4 нафар профессор-ўқитувчи малака оширган. ТТА қошидаги малака ошириш марказида “Ёш педагоглар мактаби” дастури доирасида 24 нафар ёш педагоглар малака оширди.

**МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗА.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ислон тараққиёти банки ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Филиалга **Кимё** ва **Информатика** лаборатория комплекслари учун маблағ ажратилган. Ушбу лаборатория комплекслари янги ўқув йилидан фаолият бошлаши режалаштирилган.

**АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ.** Ҳозирги вақтда Ахборот ресурс марказининг умумий фонди 541 номда 6070 дона адабиётларни ташкил қилади, булар: 105 номда 2877 дона дарслик, 252 номда 2656 дона ўқув кўлланма, 148 номда 334 дона бадиий адабиётлар, 36 номда 203 дона бошқа адабиётлар (*албом, атлас, тўплам*) бўлиб, барчаси электрон шаклга келтирилган ва АРМАТ дастурига жойлаштирилмоқда. 2019-2020 ўқув йили учун Ахборот-ресурс адабиётлар фондиди бойитиш мақсадида 1-2-3 курс талабалари эҳтиёжидан келиб чиқиб 95 млн. сўмлик 58 номда 1400 дона ортиқ дарслик, ўқув кўлланма ва бадиий адабиётлар харид қилинди. Шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси ва бошқа намунавий олий таълим муассасалари билан доимий ҳамкорликда Ахборот-ресурс марказида 2650 номда электрон адабиётлар шакллантирилган. Ахборот ресурс марказида 100 ўринли ўқув зали ҳамда 35 ўринли компьютер хонаси билан таъминланган. Бундан ташқари Ахборот-ресурс марказида Wi-Fi зонаси ташкил қилинган.

**Филиал профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг масофавий таълим платформасидан фойдаланиш кўрсаткичлари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига берилган ҳисобот бўйича)**

Сана	Профессор-ўқитувчилар сони	Сўнгги 24 соат давомида рўйхатдан ўтганлар сони	%	Талабалар сони	Сўнгги 24 соат давомида рўйхатдан ўтганлар сони	%
08.05.2020	104	85	81,7	1550	1525	98,4
15.05.2020	104	52	50,0	1550	1548	99,9
22.05.2020	104	71	68,3	1550	1488	96,0

**Филиал профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг масофавий таълим платформасидан фойдаланиш кўрсаткичлари (деканат таҳлили асосида)**

Сана	Профессор-ўқитувчилар сони	Охириги 24 соат давомида рўйхатдан ўтганлар сони	%	Талабалар сони	Охириги 24 соат давомида рўйхатдан ўтганлар сони	%
25.05.2020	95	68	71,6	1550	980	63,2

Сана	Профессор-ўқитувчилар сони	Бир hafta давомида рўйхатдан ўтганлар сони	%	Талабалар сони	Бир hafta давомида рўйхатдан ўтганлар сони	%
18.05.2020-25.05.2020	95	59	62,1	1550	1031	66,5

**ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ.** 2019 йилда филиал профессор-ўқитувчилари томонидан: 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма нашр қилинган. Жами 58 илмий мақола, шу жумладан, хорижий давлатлар илмий журналларида 39 та; ОАК эътироф этган журналларда 19 та чоп этилган. 2019 йилда профессор-ўқитувчилар томонидан Impact Factor ва Web of sciens базасига киритилган журналларда 4 ва Scopus базасига киритилган халқаро илмий журналда эса 1 мақола нашр этилган. Бундан ташқари, Халқаро миқёсидаги конференцияларда 13 та, Республика миқёсидаги конференцияларда 36 та тезислар чоп этилди.

**2020 йил январ-май ойларида филиал профессор-ўқитувчилари томонидан:** 3 та илмий мақола Scopus базасига киритилган Халқаро илмий журнал саҳифасида нашр этилган. ОАК тасаввурига киритилган илмий-амалий журналлар саҳифасида 10 мақола чоп этилган. Республикада ўтказилган илмий-амалий анжуманлар тўплами саҳифасида 12 тезислар чоп этилган. Профессор-ўқитувчилардан 5 нафари илмий анжуманларда онлайн-маърузалар билан иштирок этишди. Филиал профессор-ўқитувчилари томонидан 2 та ихтиро патентига хужжат топширилган ва 1- ва 2-экспертиза текширувларидан ўтган.

**ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР.** 2019 йилда Иқтидорли талабалар томонидан хорижий журналларда 20 та илмий мақолалар, республика конференцияларда 9 та тезислар нашр қилинди. 2020 йил 13-17 март кунлари Қозоғистон Республикаси Нур Султон шаҳида бўлиб ўтган МДХ давлатлари тиббий ОТМлари ўртасида ўтказилган “Энг ёш олим-2020” халқаро танловида 2-босқич талабаси Ғайбуллаева Маржона энг ёш олим талаба сифатида 1-ўринни эгаллади ҳамда махсус диплом ва медал билан тақдирланди. 2020 йил 27 апрелда Андижон давлат тиббиёт институтида ўтказилган “Тиббиётда

долзарб муаммолар” мавзусидаги конференцияда 1-босқич талабаси Мухаммаджонов Дилмурод “Энг яхши илмий ғоя” номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

**ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР.** 2019 йил декабр ойида Россия Федерацияси Н.П.Огарёв номидаги Мордовия давлат университети Тиббиёт институти ва ТТА Термиз филиали ўртасида, 2020 йил март ойида Россия Федерацияси И.Я.Яковлева номидаги Чуваш давлат педагогика университети ва ТТА Термиз филиали ўртасида ўқув-услубий, илмий ва малака ошириш бўйича ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР.** «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон» шиори остида ёш олимлар ўртасида ўтказилган илмий мақолалар танловининг республика босқичида декан ўринбосари Умаров Фахриддин Абдулазизович 2-ўринни эгаллади. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ўртасида “Спорт – саломатлик гарови” шиори остида “Дўстлик спартакиадаси”да филиал ходими Гулшод Турдикулова шахмат спорт тури бўйича 1-ўринга сазовор бўлди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан йўлга қўйилган “Talaba\_VUZ” телеграм каналида ўтказилган онлайн ижодий ишлар танловида ТТА Термиз филиали педиатрия йўналиши 1 босқич талабаси Абдуллаева Мукаррама “Энг ибратли талаба” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

### МУАММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

<p>Кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчиларнинг масофавий таълим жараёнини ташкил этишда АКТ воситаларидан фойдаланиш саводхонлигининг пастлиги</p>	<p>Ёзги таътил давомида профессор-ўқитувчиларни масофавий таълим жараёнини ташкил этишда АКТ воситаларини ўрганишини ташкиллаштириш ва мунтазам равишда ўз устида ишламаган кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчиларга интизомий чоралар кўриш, зарур бўлса меҳнат шартномаларини бекор қилиш</p>
<p>Худудларда талабаларнинг интернет тармоғи билан таъминланиши, интернет сифати билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда талабаларнинг АКТ воситаларидан фойдаланиш саводхонлигининг пастлиги</p>	<p>Юқори интернет тезлиги талаб қилмайдиган алтернатив масофавий таълим жараёнини йўлга қўйиш бўйича тегишли вазирликларга таклифлар киритиш</p>
<p>Масофавий таълим жараёнида жорий баҳолаш мезони ўқув йили бошида ишлаб чиқилган мезон асосида олиб борилмоқда ва бир қатор</p>	<p>Масофавий таълим жараёни учун баҳолаш мезонларини алоҳида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.</p>

тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда.	
Филиал АРМ базасида замонавий ўқув адабиётларининг етишмаслиги	Ёзги таътил даврида 4-курс талабалари учун янги ўқув адабиётлари харид қилиш
Филиалдаги мавжуд лаборатория комплекси жиҳозларининг етишмовчилиги ва маънан эскирганлиги	Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 5 мартдаги №172-сонли қарорига асосан Филиални 6 млрд. 205 млн. сўмлик ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш дастурини амалга оширишда амалий ёрдам зарур